

CONCEPTUAL BASES OF FORMATION OF INNOVATIVE TYPES OF EMPLOYMENT IN THE LABOR MARKET

Mansurova Nargiza Shamsidinovna

Assistant of the Department of Human Resource Management, SamSU

Tel.: (90) 603 55 23 People. address: nargiz-8558@mail.ru

Norboev Allaer Ismoilovich

Master of Human Resources Management, SamSU

Annotation

The article examines the main principles and mechanisms of regulating the formation of innovative types of employment, as well as regional features. The degree of regulation of employment as an economic function in the labor market depends mainly on the nature of the socio-economic tasks of the state. The socio-economic responsibilities of the state determine the direction and trends in the regulation of employment in the labor market. It is also necessary to regulate the labor market, regardless of which socio-economic model society chooses.

Мәхнат бозорида иш билан бандлық сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини үзаро боғлиқ ҳолда турли хусусиятларига қўра гурухлаш мумкин. Бунда иш билан бандлыкни тартибга солиш меҳнатга лаёқатли аҳолини оқилона ва самарали иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида иш билан бандлық муносабатлари тизимиға бошқарув субъектларининг мақсадга йўналтирилган ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан таъсири сифатида талқин этиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, инновацион иш билан бандлыкни тартибга солиш қўйидаги икки үзаро боғлиқ масалалар ечимиға йўналтирилган: бир томондан, мәхнат бозори ва иш билан бандлыкнинг мослашувчанлигини таъминлаш керак, бусиз инновацион иқтисодиёт ривожланмайди, иккинчидан, иш билан бандлық сўбъектларини содир бўлаётган ўзгаришлар натижасидаги хавф-хатардан мувофиқ равишда ҳимоялаш зарур. Иш билан бандлыкни тартибга солишнинг муҳим жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

- инновацияларнинг пайдо бўлишига иш билан бандлык тизимини мослашувчанлигини, мослашувчанлигини ва қодирлигини таъминлаш;
- иш билан бандлык самарадорлигини ошириш;
- янги турдаги иш билан бандлык субъектларининг фаол шаклланиши;
- ишчиларнинг хулқ-атворига инновацион мотивни шакллантириш;

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

– бошқарувнинг даврий тавсифи.

Хорижий тажрибаларга кўра, инновацион иш билан бандлик ривожланишида давлат бошқарувининг роли муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, давлат институционал ўзгаришлар, инновацион ва солиқ сиёсати билан боғлиқ чоралар, ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, инсон ресурслари ривожланиши соҳасида корхона ва фирмаларнинг ички фаолиятига таъсир кўрсатиш кабилар ҳисобига сифат жиҳатдан янги ишчи кучига талабни ўсишини рағбатлантиради ва қўллаб-куватлайди. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида бу қуйидагиларда намоён бўлади: фаол дастурларни кенг жорий этиш, меҳнат муносабатларининг мослашувчан моделларидан амалда кенг фойдаланиш, сурункали ишсизлик қарши янгича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, даромадларни солиқка тортиш ва нафақалар тизимининг модернизациялашганлиги, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги кишилар иш билан бандлиги миқёсининг кенглиги ва бошқалар.

Бизнинг фикримизча, инновацион иш билан бандликни тартибга солиш бир қатор тамойилларга асосланиши керакки, бунда тартибга солиш механизмлари иш билан бандликни бошқариш самарадорлигини ошиши ва янги турдаги иш билан бандлик шакллари вужудга келишини рағбатлантириши зарур (1-жадвал).

1-жадвал Меҳнат бозорида инновацион иш билан бандликни тартибга солиш тамойиллари

Тамойиллар	Мазмуни
Когнитивлик	Бу тамойил шуни назарда тутадики, иш билан бандлик тизимига муносабатлар бўйича тартибга солиш тизимининг таъсири нафақат муайян йўналишни аникловчи, балки билим орттириш, тадқиқ этишга йўналтирилган бўлиши зарур.
Мослашувчанлик	Мазкур тамойил иш билан бандлик “мослашувчан” усулларини жорий қилиш зарурати, макроиктисодий ҳолатларнинг динамик ўзгаришига мослашувчан муносабат билдириш, корхона даражасида мослашувчан иш билан бандликни ошириш, “мослашувчан” ишчини шакллантириш, инновацион хулқ-атвор мотивацияси, ўз-ўзини иш билан бандлигини ривожлантириш, инновацион бизнес кабиларни ифодалайди.
Ўзаро мувофиқлик ва интеграция	Бу тамойил иш билан бандликни тартибга солишнинг турли даражаларида ҳам вертикал (корхона даражасида кадрлар сиёсати, ҳудудда иш билан бандлик сиёсати, макродараҷада иш билан бандлик сиёсати, маҳсулдор, самарали ва энг мақбул иш билан бандликка эришиш соҳасида ҳалқаро тавсиялар), ҳам горизонтал кесимда амалга ошишидир.

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON
HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES**

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

Инклюзивлик	Мазкур тамойил инсон тараққиёти концепцияси контекстида айниқса мұхимлиги назарда тутилади. У ахолининг турли хил ижтимоий-демографик гурухларни иш билан бандлик соҳасига жалб қилиш ҳисобига даромадлар олиш ва ижтимоий әхтиёжларини реализация қилиш мақсадида маҳсулдор иш билан бандлик имкониятини беради.
Комплекслилик	Иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишда нафакат тартибга солишнинг алохида иқтисодий жиҳатларини, балки ижтимоий, психологияк, хукукий, ташкилий-техник, ахборот каби жиҳатларини ҳисобга олиш зарурлигини назарда тутади.
Селективлик	Иш билан бандлик ва иқтисодий фаол ахолини турли ҳудудлар, иқтисодиёт тармокларида иш билан бандлик ривожланишининг турли босқичларига мувофиқ ҳолда турлича тартибга солиши усууллари ва воситаларини қўллашни назарда тутади.
Доимий аналитик таъминот ва ахборотнинг етарлилиги	Мазкур тамойилга кўра, иш билан бандликни тартибга солишнинг аналитик таъминоти жараёни самарали бўлиши мумкин, фақатгина унинг ахборот таъминоти етарлича бўлса.

Иш билан бандликни ўз-ўзини тартибга солиши ўзида мураккаб комбинацияларни, яъни универсал (қонунчилик), йўналтирилган (ички директив ва қарорлар) ва аралаш (ахборот, тарғибот ва б.) каналларни мужассамлаштиради. Тартига солиш тизими элементларининг ўзаро алоқадорлиги барқарор ахборот алмашинув тавсифи сифатида механизмдан иборат бўлади. У ўзида объектив равишда содир бўлувчи у ёки бу жараён кучайиб бориши воситасини намоён этади.

Энг мұхим ва муҳокамали муаммолардан бўлиб, инновацион иш билан бандликни тартибга солиши натижаларини аниқлаш ва баҳолаш ҳисобланади. Ҳозирги илмий адабиётларда келтирилган нўқтаи назарларга кўра меҳнат бозори, иш билан бандлик, ижтимоий-меҳнат муносабатлари тизими сифатида мураккаб объектларда тартибга солиш натижаларига нисбатан етарлича қарама-қаршилик мавжуд.

Оммалашган нуқтаи назарларга мувофиқ бошқарув фаолияти натижадорлиги ва самарадорлиги бошқарув тизимининг якуний кўрсаткичлари бўйича баҳолашни назарда тутади. Бунга аълоқадор ҳолда иш билан бандликни тартибга солишнинг якуний натижаларини икки нуқтаи назардан қараш мумкин: натижадорлик нўқтаи назаридан (режалаштирилган мақсадлар ва натижаларга эришишининг мос келиши) ва самарадорлик нўқтаи назаридан (ресурсларга сарфларнинг олинган натижаларга нисбати).

Бизнинг фикримизча, инновацион иш билан бандликни самарали бошқариш (тартибга солиш) натижалар ва сарфларнинг кенг доирада солиштирилишни назарда тутади.

Тартибга солиш натижаси сифатида иш билан бандликнинг юқори даражаси ортиқча ишчилар сонини сақлашни ва самарасиз иш билан бандликдан фойдаланиш эмас, балки янги иш жойларини яратиш, иш билан бандлик янги шаклларини ривожлантириш, меҳнат бозорида турли ижтимоий-демографик гурухлар мослашувчанлиги ва рақобатбардошлигини оширишни таъминлаши зарур.

Бу масалаларни ҳал этиш турли даражаларда иш билан бандликни тартибга солиш институтлари зиммасига юклатилган: мамлакат миқёсида, ҳудудий, маҳаллий, ташкилот даражаларида. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнат бозорини бошқаришда бир қатор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли иш билан бандлиги давлат хизматига тааллуқлидир. Бу хизматнинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотни меҳнатга лаёқатли аҳолига тарқатиш ҳисобига меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишдан иборатdir.

Республикамизда меҳнат бозори мослашувчан тавсифга эга. Шунинг учун республикамизда мослашувчан меҳнат бозорини ривожлантириш ва самарали иш жойларини яратиш учун шарт-шароитлар яратмасдан туриб, барқарор юқори суръатда иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун хукумат қуйидаги вазифаларни амалга ошириши зарур:

- меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш (ишчи кучидан фойдаланиш мослашувчанлигини ошириш, меҳнат шароитларини таъминлаш юзасидан давлат экспертизасини такомиллаштириш ва бошқалар);
- ишчи кучининг ҳудудий касбий ҳаракатчанлигини ривожлантириш;
- иш билан бандлик сифатини ошириш;

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудий даражада инновацион иш билан бандликни тартибга солиш, биринчидан, саноат, илмий, иқтисодий ва ҳудудий йўналишлардаги сиёsatнинг синтезига таянади; иккинчидан, ҳудуднинг инновацион ривожланиш модели билан узвий боғлиқдир; учинчидан, қуйидаги технологиялар ва усуллардан самарали фойдаланишни назарда тутади: қабул қилинган қонунчилик асосларини мувофиқлигини таъминлаш; иш билан бандлик сиёsatини молиялаштиришнинг турли хил усулларини жорий этиш; таълим кредитлари ривожланиши, кичик бизнесни кредитлаш дастурлари. Шунингдек, бизнинг фикримизча, ҳудудий даражада иш билан бандликка кўмаклашиш ҳудудий дастурларининг бўлимларига инновацион иш билан бандликни ривожлантиришни рафбатлантириш йўналишлари киритилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: “FAN”, 2019. – 592 б.
2. Абдурахманов К.Х., Одегов К.Х., Руденко Г.Г и др. Рынок труда. //Учебное пособие. Т., 2009.
3. Нижегородцев Р. Рынок труда: иллюзии равновесия и проблемы переходной экономики. //Проблемы теории и практики управления. -2004. -№4.
4. The Guide to developing balanced working time arrangements. International Labour Office – Geneva, ILO, 2019. – 48 p.